



2020 йил «24» Март

№ 632и

Боғот шаҳарчаси

Кораёнтोक қишлоғи ҳудудида фаолият кўрсатаётган “Жахонгир” фермер хўжалигига қўшимча узоқ муддатли ижарага ер участкаси ажратиб бериш тўғрисида.

Кораёнтोक қишлоғи ҳудудида фаолият кўрсатаётган “Жахонгир” фермер хўжалиги бошлиғи К.Хасановнинг фермер хўжалигига қўшимча ижарага ер майдони ажратиб беришни сўраб туман ҳокими номига йўллаган сўровномасини ҳамда бу юзадан фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хулосаларини, Халқ депутатлари туман Кенгашининг тавсиясини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6,53-моддаларига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти” тўғрисидаги қонуннинг 6-моддасига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Кораёнтोक қишлоғи ҳудудида фаолият кўрсатаётган “Жахонгир” фермер хўжалигига Кораёнтोक қишлоғи ҳудудидаги туман ер захира фондидаги қишлоқ хўжалиги харитаси бўйича 337к- контуридаги умумий ер майдони 5,1 гектар, шундан 5,0 гектар экин ери, 0,1 гектар арик ва зовурлар остидаги ерлардан иборат бўлган ер участкасини қўшимча ижарага ажратиб бериш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг хулосаси маъқуллансин.

2. “Жахонгир” фермер хўжалиги бошлиғи (К.Хасанов)га Боғот тумани ҳокимининг қарори билан ажратиб берилган Кораёнтोक қишлоғи ҳудудидаги 265, 266, 268, 272, 275, 276, 270 - контурлардаги умумий ер майдони 18,5 гектар шундан 15,6 гектар экин ери, 0,8 гектар арик ва зовурлар остидаги, 0,1 гектар йулар остидаги, 1,9 гектар қурилиш остидаги, 0,1 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлардан иборат бўлган ер участкасига қўшимча Кораёнтोक қишлоғи ҳудудидаги туман ер захира

фондидаги қишлоқ хўжалиги харитаси бўйича 337к- контуридаги умумий ер майдони 5,1 гектар, шундан 5,0 гектар экин ери, 0,1 гектар арик ва зовурлар остидаги ерлардан иборат бўлган ер участкаси билан умумий ер майдони 23,6 гектар, шундан 20,6 гектар экин ери, 0,9 гектар арик ва зовурлар остидаги, 0,1 гектар йуллар остидаги, 1,9 гектар қурилиш остидаги, 0,1 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар билан банд бўлган ер участкаси қолган (34 йил) муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. “Жахонгир” фермер хўжалигига кўшимча ер майдони ажратиб берилиши муносабати билан Боғот тумани ҳокимининг қарори билан “Жахонгир” фермер хўжалигига ер майдони ажратиб бериш қисми ва ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси бекор қилинсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (К.Хусинов)га фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, вилоят ҳокими қарори қабул қилингандан кейин туман ҳокими билан “Жахонгир” фермер хўжалиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаш, рўйхатга олиш ва ер участкасини жойида (натурада) далолатнома асосида белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

5. “Жахонгир” фермер хўжалиги бошлиғи (К.Хасанов)га ажратиб берилган ер участкаси атрофларини бегона ўтлардан тозалаб бориш, арик бўйларига тут кўчатлари ўтказиш ва уларга қаровни белгиланган муддатларда амалга ошириш доимий вазифа қилиб белгилансин.

6. Ушбу қарорнинг тасдиғи фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Боғот тумани ҳокими

О.Холбоев

